

2-ТОМ, 10-СОН

ҚҚС ИМТИЁЗЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бобир Чариевич Эшкараев
(ТерДУ мустақил изланувчиси)
e-mail: bobireshkaraev@gmail.com
тел: +99897-722-90-55

Аннотация

Ушбу тезисда кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича имтиёзлар тизимининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, халқаро амалиётдаги турлари ҳамда Ўзбекистондаги амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Амалдаги имтиёзлар сони, уларнинг ҳуқуқий асослари ва муддатлари очиқ берилган. Шу билан бирга, имтиёзларнинг ижтимоий ҳимоя, инвестиция ва экспортга кўрсатган таъсири ҳамда мавжуд муаммолар кўрсатиб ўтилган. Тезисда имтиёзлар самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: кўшилган қиймат солиғи, имтиёзлар, солиқ сиёсати, инвестиция, ижтимоий ҳимоя, халқаро тажриба.

Аннотация.

В тезисе рассмотрены экономическое и социальное значение системы льгот по налогу на добавленную стоимость (НДС), их виды в международной практике, а также действующая ситуация в Узбекистане. Освещены количество и правовые основы льгот, сроки их действия. Отмечено влияние льгот на социальную защиту, инвестиции и экспорт, а также существующие проблемы. В работе предложены рекомендации по повышению эффективности налоговых льгот.

Ключевые слова: налог на добавленную стоимость, налоговые льготы, налоговая политика, инвестиции, социальная защита, международный опыт.

Abstract.

This thesis analyzes the economic and social significance of the Value Added Tax (VAT) exemption system, its types in international practice, and the current situation in Uzbekistan. It highlights the number of exemptions, their legal framework, and duration. The paper discusses the impact of VAT exemptions on social protection, investment, and exports, as well as existing challenges. Finally, it provides recommendations for improving the effectiveness of VAT exemptions.

Keywords: value added tax, tax exemptions, tax policy, investment, social protection, international experience.



2-TOM, 10-SON

Кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) имтиёзлари солиқ сиёсатининг муҳим воситаси сифатида иқтисодийнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва муайян тармоқларда инвестициявий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилади. Бироқ ортиқча имтиёзлар солиқ нейтраллигини бузиши, бюджет тушумларини камайтириши ва суиистеъмолчиликка йўл очиши мумкин. Шу боис, имтиёзларни мақсадли ва самарали қўллаш долзарб аҳамият касб этади.

Халқаро тажриба. Ривожланган давлатларда ҚҚС имтиёзлари чекланган ҳолда, асосан ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларга қўлланилади.

- Ноль ставка: экспорт, халқаро ташишлар.
- Озод қилиш: таълим, тиббий ва молиявий хизматлар.
- Пасайтирилган ставка: озиқ-овқат, дори-дармон, ижтимоий хизматлар.

Халқаро ташкилотлар (ЖСТ, ХВФ, ИХТТ) имтиёзларни минимал даражада сақлаш, озод қилиш ўрнига асосан ноль ставкани қўллаш, суиистеъмолликни чеклаш учун аниқ мезонлар жорий этишни тавсия этади.

Ўзбекистондаги амалдаги ҳолат.

Ўзбекистонда ҚҚС имтиёзлари Солиқ кодекси, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланади.

2024-йил ҳолатига кўра:

- Жами 179 та имтиёз мавжуд. Улардан 109 таси - тўғридан-тўғри Солиқ кодексида, 43 таси - Президент қарорларида, қолганлари бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган. Ижтимоий - 20 та, инвестициявий - 24 та, молия соҳаси - 17 та, экспорт билан боғлиқ - 3 та, бошқа туркум - 111 та.

Аксарият имтиёзлар вақтинчалик бўлиб, 2029-йил охиригача уларнинг катта қисми ўз кучини йўқотади. Бу эса келгусида уларни қайта кўриб чиқиш заруратини кўрсатади. Мавжуд муаммолар:

- Солиқ базасининг қисқариши ва бюджет тушумларига салбий таъсир.
- Имтиёзлардан асосиз фойдаланиш ҳолатлари.
- Самарадорликни баҳолаш мезонларининг етишмаслиги.
- Туркумланмаган “бошқа” имтиёзлар улушининг жуда юқорилиги.

Таклиф ва хулосалар

1. Имтиёзларнинг амал қилиш муддатлари асосида босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш.



2-ТОМ, 10-СОН

2. ЖСТ, ХВФ ва ИХТТ тавсияларига мувофиқ, имтиёزلарни қисқартириб, таргетланган ижтимоий ёрдам механизмлари билан алмаштириш.

3. Имтиёзлар самарадорлигига доир рейтинг ва индикаторлар жорий этиш.

4. Солиқ имтиёзлари бўйича шаффоф ҳисобот ва очиқ маълумотлар портали ташкил қилиш.

ҚҚС имтиёзлари иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини қўллаб-қувватлайди, аммо уларнинг ортиқча қўлланилиши фискал самарадорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, имтиёзлар тизимини мақсадли, шаффоф ва самарали шаклда бошқариш Ўзбекистон солиқ сиёсатида устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Солиқ Кодекси: Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни – Тошкент: Адлия вазирлиги, 2023.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5116 сонли Фармони. – Тошкент, 18.07.2017.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-5231 сонли Қарори. – Тошкент, 24.08.2021.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-364 сонли қарори. – Тошкент, 31.08.2022.

5. International Monetary Fund. The Modern VAT. – Washington DC: IMF, 2001. – 214 p.

6. World Bank. Uzbekistan Public Expenditure Review: Fiscal Policy for Inclusive Growth. – Washington DC: World Bank, 2022. – 145 p.

7. OECD. International VAT/GST Guidelines. – Paris: OECD Publishing, 2017. – 180 p.

8. Тошматов Ш.А., Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Тошкент, “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2004, 184 б.

9. Нормурзаев У. Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари // Economics and education, 1-2023.

10. Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси расмий сайти. www.soliq.uz

